

**Латвия Республикаси Таълим ва фан вазирлиги билан
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим
вазирлиги ўртасида таълим соҳасида ҳамкорлик
тўғрисида**

БИТИМ

Латвия Республикаси Таълим ва фан вазирлиги ва
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим
вазирлиги, бундан кейин «Томонлар» деб аталувчилар,

иккала Томон ўртасида кўп томонлама дўстона
муносабатларни ривожлантиришга интилишни изҳор
этисб,

олий таълим соҳасидаги ҳамкорлик халқлар
ўртасида ўзаро англашувни яхшилашга ёрдам беради деб
ҳисоблаб,

қўйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

Томонлар иккала Томон давлатлари қонунчилигини
инобатта олган ҳолда ўзаро ҳурмат ва шерикчилик
принциплари асосида олий таълим соҳасидаги узоқ
муддатли ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам
берадилар.

2-модда

Томонлар олий таълим соҳасида тажриба
алмашишга, таълим соҳасидаги қонунчилик ва бошқа
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги ахборот
 билан ҳамда муайян соҳаларда чора-тадбирларни амалга
 ошириш учун зарур бўлган, таълим ва илмий
 тадқиқотларни ривожлантириш ва режалаштириш
 бўйича бошқа ахборот билан алмашишга ёрдам
 берадилар.

3-модда

Томонлар таълим тизимларини такомиллаштириш ва уларни халқаро таълим тенденцияларига яқинлаптириш бўйича ҳамкорлик қиладилар.

4-модда

Томонлар иккала Томон таълим муассасалари, ўқув юртлари, олимлари, профессор-ўқитувчилари ва мутахассислари ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни ҳамда илмий ҳамкорликни ўрнатишда ёрдам кўрсатадилар, ва шунингдек Европа Иттифоки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маориф, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти, Европа Кенгаши ва бошқа халқаро ташкилотларнинг умумий лойиҳалари доирасида академик фаолликни рағбатлантирадилар.

Томонлар ҳозирда мавжуд бўлган ва келгусида режалаштириладиган халқаро қўшма дастурлар ва лойиҳаларни ишлаб чиқишида ёрдамлашадилар ва уларни амалга оширишида иккала Томон ўқитувчилари, олимлари ва мутахассисларини фаол иштирок этишга жалб этадилар.

5-модда

Томонлар олий ўқув юртларида таҳсил олиш, докторантурада ўқиши, профессор-ўқитувчилар ва мутахассисларнинг малакасини ошириш учун ҳар йили бир-бирига стипендиялар таклиф қиладилар. Ўқишига қабул қилиш шартлари ва молиявий масалалалар Томонлар томонидан, иккала Томоннинг молиявий маблағлари ва қонунчилигини инобатта олган ҳолда, алоҳида Дастурда белгиланади.

6-модда

Томонлар олий ўқув юртлари талабалари, илмий ва педагогик ходимлари билан алмашинувни рафбатлантирадилар.

7-модда

Таълим ва алмашувнинг молиявий ва бошقا шартлари музокаралар олиб бориш йўли билан, расмий хатлар алмасиши шаклида ёки алоҳида баённомаларни ишлаб чиқиши ва имзолаш йўли билан Томонлар томонидан тузилади, ҳамда улар ушбу Битимнинг ажралмас қисми ҳисобланадилар.

Ушбу Битимни амалга ошириш ва амал қилишини баҳолаш мақсадида Томонлар доимий икки томонлама комиссия тузадилар. Комиссия ҳамкорлик шартлари, муддати ва молиявий масалаларни кўзда тутадиган ҳамкорлик дастурларини ишлаб чиқиши мақсадида уч йил давомида камида бир марта навбатма-навбат Томонлардан бирининг ҳудудида йиғиладилар.

8-модда

Ушбу Битим доирасидаги тадбирларга бериладиган моддий ёрдам, Томонларнинг молиявий имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

9-модда

Ушбу Битим Томонлар аввал келишиб қўйган бошقا биргалиқдаги тадбирларни ўтказишга имконият бериши мумкин.

10-модда

Ушбу Битимга Томонларнинг ўзаро ёзма розилиги билан Битимнинг ажралмас қисми ҳисобланадиган алоҳида баённомалар тузиш йўли билан ўзгартиш ва қўшимиchalар киритилиши мумкин.

11-модда

Ушбу Битим имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва беш (5) йил давомида амал қиласди. Агар томонлардан бири бошқа томонга унинг амал қилишини тўхтатиши ниятидалиги ҳақида олти (6) ой олдин ёзма хабарнома юбормаса, Битим ўз-ўзидан кейинги беш йиллик муддатга узаяверади.

Тошкент шаҳрида 2008 йил 6 октябрда икки асл нусхада, ҳар бири латиш, ўзбек ва рус тилларида имзоланди, бунда барча матнлар бир хил кучга эгадир.

Матнларни талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган тақдирда рус тилидаги матн устувор ҳисобланади.

**Латвия Республикаси
Таълим ва фан вазирлиги
номидан**

**Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта маҳсус
таълим вазирлиги
номидан**